# ЭГРИҚЎЛЛИЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ КИМЛАР?

## ёхуд қозони битта, «организацияси» иккита ташкилот

Бу ҳол муттасил ҳар йили такрорланади. Мактабларда ўқишлар тугаб, ёзги таътил бошланар-бошланмас, шаҳар йўловчилар ташиш транспортларида ўз-ўзидан «чиптачи» болалар пайдо бўлиб қолишади. Уларни бу ишга кимлар жалб этади, чиптачилик қилишлари учун қандай асосда рухсат беришади, бунисини билмайман. Аммо бир нарса аниқ: бу болакайлар, яхшилаб суриштирсангиз, аслида ҳайдовчиларнинг яқин кишилари, айтайлик, ё ўғли, ё укаси, нари борса, бирор қариндоши ёки таниш-билишининг фарзанди бўлиб чиқишади. Улар эртадан кечгача худди катталардек жон куйдириб ишлашади, асосан пул олиш ва қайтим бериш билан шуғулланишади.

Эҳтимол, сиз бу гапимдан ажабланарсиз. Эҳтимол, «Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ёшлар кўча чангитиб бекор юрганларидан кўра ишлаганлари, ҳеч бўлмаганда, китоб-дафтар сотиб олишлари учун ўзлари пул топиб, бироз бўлса-да, ота-оналарига ёрдам берганлари маъқул эмасми?» дерсиз. Очиғи, авваллари мен ҳам шундай фикрда эдим. Бироқ кейинчалик узоқ кузатиб бутунлай бошқача хулосага келдим. Негаки, бу ўспиринларнинг асл мақсадлари меҳнатга ўрганиш, ҳалол пешона тери билан пул топиш эмас, балки муштдайлигиданоқ эгри йўллар билан 5-10 сўм ортиқча маблағ орттириб қолиш экан.

Ишонмасангиз, ана, ўзингиз бир кузатинг: улар чиптачининг асосий вазифаси нималардан иборатлигини билмайдилар. Билган тақдирларида ҳам уни тўла-тўкис адо этмайдилар. Биринчидан, ҳеч маҳал бекатларнинг номини эълон қилмайдилар. Иккинчидан, ҳаракат чоғи автобус, трамвай, троллейбус ичида юриб йўловчиларга чипта сотмайдилар. Аксинча, баъзан икки-учтадан бўлиб олиб, ҳайдовчининг атрофида давра қуришади. Кета-кетгунча ё ўзаро гап сотишади, ёки варанглатиб радио-магнитофон қўйишади. Аниқроғи, ҳам ҳайдовчини чалғитишади, ҳам йўловчиларнинг ғашига тегишади. Бу ишлари жамоат транспортида юриш тартиб-қоидасига, қолаверса, одоб-ахлоқ меъёрларига зид эканлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Лекин бошқа бир нарсани — одамлардан қандай қилиб йўл ҳақи ундиришни қойиллатадилар. Шу мақсадда ҳайдовчи билан келишиб олинган энг қулай усулда иш юритадилар. Автобус навбатдаги бекатга келиб тўхтатиши билан бирови олдинги эшикка кўндаланг туриб олади, иккинчиси эса пастга туша солиб орқа эшик томон югуради. Қарабсизки, бирорта ҳам йўловчи назоратдан четда қолмайди. «Ҳашарчилар» тушаётганлар узатган пулларни бирма-бир санаб олаверадилар. Лекин чипта йиртиб овора бўлиб юрмайдилар. Ўз назарларида гўёки тўппа-тўғри қилишади. Ахир манзилга етиб келган йўловчи чиптани бошига урадими, барибир, икки-уч қадам юрар-юрмас, уни ташлаб юборади. Ўрта ичида шусиз ҳам писта пўчоқлариюю сигарета қолдиқлари, турли-туман чиқинди қоғозлар билан тўзиб ётадиган бекатларнинг баттар ифлослашгани қолади.

Қизиғи шундаки, бундай «ишбилармонлик» фақат вақтинча ишга «ёлланган», тажрибасиз ўспиринларгагина эмас, катта ёшли ҳақиқий чиптачилару, ёлғиз ўзи ишлайдиган ҳайдовчиларга ҳам хос. Улар одатда «Пассажирларнинг кўпчилигида проездной карточка бор, бунақада отнинг калласидек қилиб белгилаб қўйилган планни бажариб бўладими?» деб нолишни жуда хуш кўришади. Қўйиб берсангиз, ҳали кўрсатилмаган транспорт хизмати учун олдиндан ортиқча ҳақ тўлаб, ойлик чипта сотиб олган, шу тариқа автокорхоналарнинг моддий-иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга маълум даражада ҳисса қўшган йўловчиларни айбдор деб топишдан ҳам тап тортишмайди. Бордию, шу асно «Ойлик чиптаси борлар-ку, майли, ўз йўлига. Бироқ сиз йўлкира ҳақини тўлаб тушаётганларга нима учун кўпинча чипта йиртиб бермайсиз?» деб сўраб қолсангиз, гапни дарҳол бошқа ёққа буришади. Гоҳида қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидек, «Сизга нечта билет керак, мана, истаганингизча олинг», деб бир қулоч чиптани қўлингизга тутқазишади. Қисқаси, ҳамиша улар ҳаққу йўловчилар ноҳақ.

Аслида-чи?

Мен турли ёшдаги ва турли касбдаги йўловчиларни батамом оппоқ қилиб кўрсатиш ниятидан йироқман. Кўпчилик орасида йўлкира ҳақини тўлашдан қочадиган бир-иккита одам ҳам топилади. Шу билан бирга, ҳайдовчилару чиптачиларнинг барчасини ҳам бирдек ҳалол-пок деб бўлмайди. Улардан баъзилари тушган пулни ўз корхоналари хазинасига тўлиғича олиб бориб топширмайдилар. Нари борса, иш ниҳоясида кунлик режага лойиқ чиптани йиртиб бир четга улоқтирадилар-да, қолганини «чап» чўнтакларига урадилар. Айни чоғда ўзларига ёрдамлашган «ҳашарчи» болаларни, йўл варақасига имзо чекиб муҳр босиб берадиган нозимхона ходимларини, ҳатто автобусни ювиб-тозалаб, таъмирлаб қўювчи «мойкачи»-ю чилангар усталардан тортиб автосаройнинг тунги қоровулини ҳам унутмайдилар. Ҳар бирига «холис» хизмати-ю «мурувввати»га қараб «чойчақа» тўлайдилар. Бундай таъмагирликлар, истаймизми-истамаймизми, тан оламизми-йўқми, транспорт соҳасида азалдан бор гап. Шу боис айрим кишилар жамоат транспорти воситаларини «соғин сигир»га қиёслашади. Чипта сўрамайдиган йўловчилар омон бўлишса, ҳайдовчилару чиптачилар устамонлик қилиб туришса, бас, бу сигир бир маромда «сут» бераверади. Маошу мукофот пулига қаноат қилмаганлар эса ҳар куни унинг «инъоми»дан оз-оздан баҳраманд бўлаверадилар. Қолгани тушунарли: Халқимиз «Қўли текканнинг оғзи ҳам тегади» ёки «Тома-тома кўл бўлур» деган нақлларни фақат ижобий маънодагина ишлатмайди.

Қиссадан ҳисса шуки, йиртилмаган чипта учун тўланган пуллар йиғилиб-йиғилиб, бир тўда текинтомоқларнинг ҳамёнини қаппайтиради. Бунинг жабрини эса охир-оқибат оддий халқ тортади. Сабаби аён: йўловчилардан йиғилган пул транспорт корхоналари ғазнасига тўлиқ бориб тушмагач, янги автоулов, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш учун сарфланаётган маблағ ҳамда транспортчиларга тўланаётган меҳнат ҳақига жиддий путур етади. Шунда соҳа мутасаддилари энг осон усулни қўллашади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги моддий-иқтисодий қийинчиликларни, нарх-наво ошишларини рўкач қилиб, йўлкира ҳақини бир-икки сўмга эмас, биратўла 50 фоизга кўтариб қўя қолишади.

Таажжубки, биз бунақа кескин «олди-ошди»ларга анча-мунча кўникиб қолганмиз. Шу боис бугун кечқурун 10—15 сўм бўлган йўл ҳақи эртаси эрталаб ҳе йўқ, бе йўқ, олдиндан айтиб эълон қилиш йўқ, бирданига 15—20 сўм қилиб белгиланса-да, ҳатто орадан икки кун ўтиб яна эски ҳолига қайтарилса-да, парво қилмаймиз. Лоақал «Ҳов, биродар, шу вақт ичида сизу биздан олинган ортиқча беш сўмликларнинг тақдири нима бўлди?» деб сўраб ҳам ўтирмаймиз. Аммо ҳайдовчилар билан чиптачилар «ҳақ-ҳуқуқ» талашиш борасида биздан кўра анчайин талабчанроқдирлар. Улар, гарчи аксарият ҳолларда чипта беришни унутиб қўйсалар-да, 10 сўм ўрнига 9 сўм узатган йўловчидан қолган бир сўмни албатта ундириб олишни асло эсдан чиқармайдилар. Керак бўлса, отаси-бобоси тенги одамнинг ёқасидан олишади, керак бўлса, тилларига истаганча эрк бериб, етти пуштингизнинг гўрига ғишт қалашади.

Баъзан эса қўлида ойлик умумий чиптаси бор йўловчиларга нисбатан ҳам ўта қўпол, ҳақоратомуз муомалада бўлишади. Масалан, мен бундан анча муқаддам 58-автобусда чипта тарқатувчи аёлнинг 10-13 ёшлардаги болани очиқдан-очиқ ҳақорат қилганини кўрганман. Ўшанда у ўсмирнинг қўлидаги ойлик умумий чиптани «Бу катталарники, сенга мумкин эмас», деган баҳонада тортиб олмоқчи бўлган, бу ҳам етмагандай, ундан нақд пул тўлашни қатъий талаб қилганди. Уч-тўрт киши можарога аралашиб: «Бундай қилишга мутлақо ҳақингиз йўқ, ойлик умумий чиптадан, ёшидан қатъий назар, оиланинг ҳар бир аъзоси бемалол фойдаланиши мумкин», деганимиздан сўнггина ноилож қайтариб берганди.

Уч кун олдин Юнусободга қатновчи 95-автобусда ҳам худди шунга ўхшаш воқеанинг шоҳиди бўлдим. Бир қизалоқ тушишдан олдин қўлидаги ўқувчиларнинг имтиёзли ойлик чиптасини кўрсатди. Шунда чиптачи аёл уни тўхтатиб: «Ҳозир мактабларда ўқишлар тугаган, демак, сен ўқувчи ҳисобланмайсан. Бу чиптанг ўтмайди, йўлкирани нақд тўлашинг керак», деб қолди. Фақат кўпчиликнинг эътирозидан кейингина шаштидан қайтди.

Бунақа нохуш воқеаларга дуч келганимда бир нарсани ўйлайман: «Ойлик умумий чиптаси бор одамларни ҳайдовчилар ҳамда чиптачилар нега ёқтиришмайди? Энг қизиғи, бунақа чипталарни сотиб, олдиндан пул йиғиб олишни жорий этган мутасадилар нима учун йўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмайдилар. Ёки эшаклари сувдан ўтса, ишлари битса бўлдими? Умуман олганда, жамоат транспорти ходимларининг муомала маданиятини яхшилаш борасида қачон жиддийроқ чора кўрилади?

Яна бир гап. Маълумки, шаҳарнинг одамлар билан гавжум бекатларини вақти-вақти билан махсус назоратчилар «забт» этишади. «Забт» этишади дейишимнинг боиси шуки, улар автобуслар, трамвай-троллейбусларга чиқиб ким йўл кира ҳақини тўлаган-тўламаганини суриштириб ўтиришмайди. Жилла қурса, шаҳар четидаги бекатларга ҳам бориб овора бўлиб юришмайди. Фақат энг гавжум бекатларда туриб олиб, тушаётган йўловчиларни бирма-бир сўроққа тутишади. Қўлида бирор ҳужжати бор одам билан обдон суҳбатлашишади.

Мана, сизга бир мисол: икки ҳафта олдин сешанба куни тушга яқин «Марказий универсал магазин» бекатида 38-автобусдан тушаётсам, қаршимда одатдагидек икки-уч назоратчи аёл турибди. Улар бошқалар қатори менинг ҳам йўлимни тўсиб «запроезд тўладингизми?» деб сўрашди. Мен пул тўлаганимни, аммо ҳайдовчи ҳам, олдинги эшик зинапоясида туриб олган «ҳашарчи» болакай ҳам чипта бермаганини айтдим. Сўнгра шундай бир саволни ўртага ташладим: «Сизлар йўловчиларни худди қўй санаётган чўпондек текшириб кўраяпсизлар. Лекин нима учун чипта бермагани учун ҳайдовчи билан паттачиларга индамайсизлар?»

Бу гапимни эшитиши биланоқ ҳайдовчи эшикни ёпиб, моторга газ берди. Назоратчи опахонлар эса бекатга келиб тўхтаган навбатдаги автобус томон шошаётиб, йўл-йўлакай менга жавоб қайтаришди: «Биз шофёрлар билан кондукторларни текширмаймиз. Бу иш билан бошқа организация шуғулланади. Тушундингизми, укажон!»

Тушундим. Демак, «Тошшаҳарйўловчитранс»нинг қозони биттаю, текширувчилари бошқа-бошқа. Демак, ҳайдовчилар билан чиптачилар хоҳлаган ишлари билан шуғулланаверсинлар. Хоҳласалар, чипта тарқатсинлар, хоҳламасалар йўқ. Фақат белгиланган режани бажариб туришса, бас.

Хўш, нега шунақа?

Эҳтимол, бу саволимизга мутасаддилар жўяли жавоб беришар. Ҳарқалай, улар ҳам эл қатори жамоат транспортида юришса керак. Ҳайдовчилару чиптачиларнинг бекатлар номини деярли эълон қилмасликларини, эълон қилганларида ҳам давлат тилида гапирмасликларини, йўловчилардан фақат тушаётган маҳаллари пул олиб қолиб, чипта бермасликларини, назоратчиларнинг бирёқлама иш юритаётганликларини тез-тез кўриб туришса керак. У ҳолда нега фақат йўловчилар шаънига тана-танбеҳлар айтишадию, ўз ходимларига индамайдилар?

Ёки гап бошқа, ёқдамикин? Улар ҳаммасини ўз кўзлари билан кўрсалар-да, билсалар-да, «Сиздан угина, биздан бугина» қабилида иш юритишни маъқул топишармикин?..

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

# МАЪНАВИЯТ АСРИ БЎСАҒАСИДА

*Таҳлил*

***Ўзбекистон мустақил одимлай бошлаганига яқинда 7 йил тўлади. Хўш, бу муддат ичида диёримиз тасвирий санъатида қандай ўзгаришлар одир бўлаяпти, қандай ютуқларга эришилди ва қандай муаммолар кўндаланг турибди? Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Норсаид Ойдинов билан мусоҳабамиз шу мавзуда бўлди.***

**— Етти йил кўҳна тарих учун киприк қоққандек оз фурсат. Қувонарлиси, республикамиз босиб ўтган қисқа вақт ичида тасвирий санъат соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар юз бермоқда. Норсаид ака, бу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай? Сизнингча, мустақиллик рассомларга нима берди?**

— Назаримда, мустақиллик биринчи навбатда ҳамма ижодкорларни янгича тафаккур қилишга бошлади. Чунки ҳар бир даврнинг ўз мафкураси, эҳтиёжлари борки, шундай ғоя-мақсадлар истиқболдаги режаларни белгилаб беради. Ўзбекистонни жаҳон мустақил давлат сифатида тан олди. Демак, Ўзбекистон деган мустақил давлатнинг шаклланиши ҳар бир ижодкорни янгича фикрлашга олиб келади. Тўғри, илгари ҳам яхши ўзбек рассомлари кўп бўлган. Лекин кўпгина ижодкорлар буюртма асосида, ғоявийлик нуқтаи назаридан асарлар яратишга мажбур эдилар. Орадан ўтган давр ичида мустақил давлатимизда ўтмиши, анъаналари ўзига хос, бошқаларникидан тубдан фарқ қиладиган, лекин қанчалик фарқ қилмасин, умуминсоний ақл-идрок ва тафаккурга жавоб берувчи қонуниятлари мавжуд бўлган жамият шаклланганини кўрамиз. Назаримда, эндиликда рассомларимиз қалбига, руҳиятига мустақилликни англаш тўла кириб борди. Мустақилликни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан ижод аҳлига боғлиқлигини тушуниб, тасаввур қилишимиз лозим. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақидаги фармон чиққанида кўз олдимга келган нарса буюк аждодларимизга хос санъат масканлари, санъат кошоналари нақадар буюклиги бўлди. Зеро, аждодларимиз даврида кўплаб санъат мактаблари ва академиялар фаолият кўрсатган. Темурийлар даврида Самарқанд санъат мактаби бўлиб, унинг таъсири остида Ҳиротда Нигористон академияси ташкил топган. Минг афсуски, булар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Сўнгги йилларда шу мақсадда бир мунча ишлар қилиняпти, жумладан, буюк бобомиз Камолиддин Беҳзоднинг юбилейини нишонлаш арафасида турибмиз. Шу муносабат билан «Беҳзод изидан» деб номланган экспедиция ташкил этиляпти. Унинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва Шарқ санъати билан боғлиқ халқаро илмий анжуман ўтказиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Беҳзод ижоди, замонаси ва замонавий миниатюра санъатимиз билан ўзаро боғлиқлиги мавзусида кўргазма ташкил этиш мўлжалланган. Беҳзод музейи, Беҳзод боғи — буларнинг барчаси маънавият. Мана шу маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган тасвирий санъат аҳли XXI аср — маънавият асрига янгича ижодий уйғониш билан, ўша давр гултожи бўла оладиган асарлар яратиш қудрати билан киради деб ўйлайман.



**— Норсаид ака, Сиз таъкидлаётган вазифаларнинг асосий қисми, шубҳасиз, ёш ижодкорлар зиммасида турибди. Шу сабаб бугунги кунда улар ижодига эътибор катта. Бунга Бадиий академияда ўтаётган кўплаб тадбирлар гувоҳлик беради. Энг хайрли ишлардан бири Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг ташкил этилишидир. Мазкур институт раҳбари сифатида бу йўл қандай самаралар бераяпти деб ўйлайсиз?**

— Институтимиз биринчи навбатда ўз номини оқлаши керак. Бунга институт жамоаси бир ёқадан бош чиқариб иш олиб боргандагина эришиш мумкин. Ўқув базамизни мустаҳкамлаш мақсадида монументал санъатда ўз мактабига эга бўлган ижодкор Баҳодир Жалоловни ўқитувчиликка таклиф этдик. Бундан ташқари, бу даргоҳда Қутлуғ Башаров, Раҳим Аҳмедов, Алишер Мирзаев, Неъмат Қўзибоев, Жавлон Умарбеков ва бошқа жонкуяр рассомлар таълим беришяпти.

Ҳозирда институтимизда учта факултет фаолият кўрсатмоқда. Тасвирий санъат, амалий санъат ва дизайн ҳамда малака ошириш сиртқи бўлими. Шунингдек, хорижий талабалар билан шуғулланадиган янги факултет ташкил қилинди.

**— Таълим тизимидан ижод муаммоларига қайтсак. Кейинги вақтларда кўргазмалар мунтазам ташкил этиб бориляпти. Бу халқимиз маънавий ҳаётига, маънавиятини юксалтириш ишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Лекин шуниси борки, кўргазмага келган оддий томошабинлар турли оқимлар, жумладан, сюрреализм, абстракционизм, кубизм ва ҳоказо йўналишда яратилган асарларни тушунмаслиги ёки эътиборсиз ўтиб кетишини кузатиш мумкин. Суҳбатларда кўпинча «Шу зайлдаги асарларда миллийлик борми?» деган савол қулоққа чалинади. Мутахассис сифатида шу ҳақда фикрингизни билдирсангиз.**

— Сиз айтиб ўтган йўналиш ва оқимлар Европадан кириб келган, деган фикр бор. Лекин мен бу фикрга қўшилмайман. Бу нотўғри тушунча. Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, барча соҳалар, жумладан санъат ҳам бир-бирининг таъсири замирида ривожланиб боради. Масалан, Беҳзод замонаси миниатюраларини изчил ўрганиб, таҳлил қилсак, ундаги композицион ечимлар, жумладан, рангий ва шаклий жиҳатлардан ҳозирги жаҳон тасвирий санъати тасвирланганини кўриш мумкин. Лекин ижодкорнинг энг асосий вазифаси ўзига хос йўлда ижод қилиш, шунга интилишдир. Буюк рассомлар асарларини ўрганган ҳолда, ўз овозига эга бўлиши лозим. Шу ўринда бир фикрни қатъий айтиш жоизки, ҳар қандай услуб ва оқимда ижод қилувчи рассом аввало реалистик академик таълим мактабини тўла ўрганиш билан ижодига замин тайёрлаши керак. Ижодкор бадиий оламида кечаётган ифодавий ечим натижалари сурат сифатида матога кўчганда кимгадир ғайритабиий кўринади. Аслида у ғайритабиий эмас, балки рассомнинг ички дунёси, бошқача айтганда, руҳий кечинмасидир. Шунинг учун асар айни вақтда кимгадир ёқиши ёки кимгадир ёқмаслиги мумкин. Бу томошабиннинг айни пайтдаги руҳий ҳолатига ва бу борада нечоғли саводхон эканига ҳам боғлиқ. Ачинарлиси, санъатшунослар, тарихчилар, адабиётшунослар, журналистлар, қўйингки, санъат тарихи ва тарғиботи билан боғлиқ соҳа вакилларининг кўпчилиги тасвирий санъат асарларини тўлалигача идрок этиб, тўғри талқин этадиган даражада билимга эга эмаслар. Шу боис ҳам томошабин ва тасвирий санъат асарлари орасини парда тўсиб тураверади.

**— Мустақиллик халқимизга ўз дини ва эътиқодини қайтариб берди. Бу ижод аҳли учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Лекин Ислом динида жонли мавжудотларни чизиш таъқиқланади, деган тушунча мавжуд. Шунга муносабатингиз.**

— Дин ва санъат тарихига эҳтиёткорлик билан ёндошмоқ лозим, акс ҳолда катта хатога йўл қўйиш мумкин. Бу мунозарали муаммо бўлиб, унга асосли фактлар асосида фикр билдириш керак. Ўзбекистон ҳудудига оид санъат тарихини, жумладан, меъморий ёдгорликлар, археологик топилмаларни ўрганар эканмиз, ўтмишимизда жуда буюк асарлар яратилганига шоҳид бўламиз. Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Холчаёнлардаги маҳобатли ҳайкаллар, деворий суратлар, халқ амалий санъати намуналарида бевосита диний таъсирни кўришимиз мумкин. Демак, ўша яратилган асарлар қайсидир маънода дин тарғиботига хизмат қилган. Бу ўз навбатида дин билан санъат бир-бирига қарши эмаслигини тасдиқлайди. Исломга хизмат қилувчи масжид, мақбара, минора, мадраса ва ҳоказо биноларнинг тузилиши ва безатилишида мазкур диннинг улуғворлигини кўрсатиш асосий мақсад бўлганлиги аён. Дин ва санъат чамбарчас боғлиқ.



**— Сизнингча, замонавий ўзбек санъатшунослигининг устивор вазифалари нималардан иборат.**

— Биласизми, бир мақолга йўйганда, савол билан менинг «тегирмонимга сув қуйдингиз». Айнан шу масала каминани анчадан бери ўйлантириб келади. Мен Санъатшунослик илмий - тадқиқот институтининг етук олимлари томонидан амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаганим ҳолда, масаланинг иккинчи томонига эътиборни тортмоқчиман. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон санъатшунослигининг ушбу соҳасини тўла-тўкис шакллантиришга ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бунинг учун бир қанча вазифаларни бажариш керак бўлади.

Аввало, давлат тилидаги адабиётлар муаммоси. Фикримча, санъатшунослигимизда ёзилаётган барча адабиётлар давлат тилида бўлиши керак.

Иккинчидан, кадрла тайёрлаш масаласи; ёш талабаларни миллий, айни чоғда умумбашарий ғояларни яратувчи чуқур билимли, баркамол инсон, ижодкор қилиб тайёрлашга эътибор қаратиш, бунинг учун бутун салоҳият ва ғайратни сафарбар этиш лозим.

Учинчидан, замонавий тасвирий санъатни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб, содда ва тушунарли тарзда ўқувчига етказиш асосий вазифаларимиздан.

Тўртинчидан, санъатшунослар инглиз, немис, француз, араб, ҳинд, турк ва бошқа ғарб ва шарқ тилларининг ақалли бирортасидан хабардор бўлсалар, зиён қилмасди. Шу нуқтаи назардан «санъатшунос — таржимон» деган ихтисослик очишимиз керакка ўхшайди.

Бешинчидан, санъат журналистикасига жиддий эътибор бериш керак. Оммавий ахборот воситаларида санъат асарлари, ижод мавзусида шу соҳада махсус тайёргарлиги бор кишилар чиқсалар ёмон бўлмасди. Санаб ўтганларимнинг ҳар қайсиси том маънодаги ўзбек санъатшунослигининг, шаклланиши учун омил бўлишига ишонаман.

— Демак, ушбу вазифаларни имкон даражасида амалга ошириш юқорида таъкидланган тасвирий санъат ва томошабин ўртасидаги тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Зеро, халқимизнинг бадииятдан баҳрамандлиги, уни ўз ҳолича ҳис эта билиши, қолаверса, санъат соҳасидаги саводхонлик даражасини юксалтириш маданиятимиз равнақининг гаровидир.

**Суҳбатдош: санъатшунослик фанлари номзоди Рустам ЭРМАТОВ**

# РАҲБАР БЎЛИШ ОСОНМАС...

Халқ ҳамма нарсани билади. Кишилар эл орасида юрган одамга доимо ўз баҳосини холисанилло бериб келган. Очиғи, фалончи бу ишни эплай олмайди, ўрнига писмадончи бўлганда борми, қойилмақом этиб уддаларди, деган гап-сўзлар айрим мансабдор бирoдарларимиз ҳақида бежиз айтилмайди. Яъни, дарахтнинг учи бекорга қимирламайди.

Раҳбар бўлиш осондир балким, аммо одамлар юрагидан жой олиш, уларни ортидан эргаштириш, тўғри ва бехатар йўлни кўрсатиш мушкул. Халқнинг назаридаги инсонларни, ўз куч-қувватини юртдошлар фаровонлиги, Ватан равнақи учун бахшида қилиб келаётган, ҳар лаҳза, ҳар сония ўзини тупроқдошларидан айро ҳис қилмаган зотларни кўпнинг дуоси асрайди.

Сурхон одамлари... анча чўнг. Бир гапли. Сариштали. Бағри қуёшдек тафтли. Кўнгли чўл адирларидай кенг... Саховатли, улоқ кўпкари ҳамда кураш деса, жонини беради. Мардликни улуғлайди. Айтган гапидан қайтиб, изза бўлиб қолиш эса улар учун жудаям уятли... Бу хислат турмушда ҳам, ишда ҳам устувор. Бошқача бўлиши эса мумкин эмас.

Шўрчилик Омон акани воҳа одамларининг катта-кичиги яхши танийди. Бир гап билан худо берган йигит, дейишади. Кимдир Омон раис, кимдир Омон полвон, бошқа бирoв Омон чавандоз, деб айтади. Раис сифати бор. Эл ундан мамнун. Полвонлиги келбатидан эмас, даврада унча-мунча йигитнинг шаштини қайтаради. Шоиримиз Сирожиддин Саййиднинг «Омон полвон» шеъри сурхонликларга ёд бўлиб кетган. Чавандозлиги боис отни яхши кўради. Кўпкарининг чангини чиқариб, узангига оёқ тегиши билан булутга ҳамла қилиб, воҳанинг довруғини оширган асл отлар Омонбойда. Ҳар улоқда унинг оти улоқсеварлар олқишига кўмилади. Майдонда мардлик кўрсатиш, эл ичида ўз номини ҳалолу пок сақлашни — Омон Бекназар ўғли умрнинг мезони деб белгилаб олган.

У кўп дунёларни кезган — юрт кўрган, даврни, ҳозирги вазиятни теран ҳис этади. Озодлик, истиқлол, аввало, кишилар онгида тўлиқ моҳияти билан шаклланиши энг муҳим зарурат эканлигини англайди. Қисқаси у ўз ватани — Сурхоннинг бир полвони ёхуд чавандози, ўқимишли зиёли, шижоатли, айни пайтда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги улуғвор юксалишларга нисбатан хайрихоҳ, замонавий раҳбар.

Омон ака билан қай бир соҳада сўзлашманг, аввало эл-юрт манфаати, мустақиллик имкониятлари суҳбатнинг бош мавзуси бўлиб қолаверади. Унинг савлатига мос вазмин ва босиқ, чиройли фикрлаши, шуурига хос фидойилиги юрагингизни тўлқинлантиради. Гурунг асносида заковат тафтини туясиз.

Ҳукуматимиз раҳбарияти бугунги кунда кадрлар масаласига жиддий эътибор қарата олгани, бу борада ижобий натижаларга эришилаётгани сир эмас. Бизга ишчан, талабчан, юрак ўти ўчмаган, бозор иқтисодиёти талабларини тўлиқ англаб улгурган, замон эҳтиёжини тасаввур қила оладиган етук мутахассислар керак. Доимо халқ ва Ватан истиқлоли манфаати йўлида ҳаракат қиладиган раҳбарларгина юртбошимиз белгилаб берган йўлнинг тўғри ва равон эканлигини тушуниб етадилар. Ҳар бир ташкилотда, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ишнинг олдинга силжиши, аввало, раҳбарнинг ташаббускорлигига боғлиқ. Бу фазилатлар, юқорида айтганимиздек, бизнинг қаҳрамонимизга ҳам хос. Шўрчи туманидаги дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти раиси этиб тайинланган Омон Бекназаров қабулхонасида анчагина одам йиғилган эди. Воҳадаги энг йирик корхоналардан бири — ун заводига кишилар юмуш билан келадилар. Деярли барчасининг ҳожати ҳал бўлади. Одамлар раъйининг қайтиши, корхона эшигидан дилранж кайфиятда чиқиб кетиши ёмон-да. Омонбой буни жуда яхши тушунади. Кўп йиллардан бери раҳбарлик лавозимида ишлаб келганлиги, ёш бўлишига қарамай одамлар кайфиятини тез илғаши, қаршисидаги ёрдамга муҳтож инсон ботинини англашда асқотади.

Раис ҳузурида ярим соат бўлдим. Бу вақт ичида у бир неча кишини қабул қилди. Шунча одамнинг бари хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Барчасининг иши битди... Барчасининг юзига табассум инди.

Хонада енгил кайфият, хушчақчақлик ҳукм сурди. Бошлиқ билан бўлиб ўтган қисқа савол-жвобларимиздан мен унинг одамохун киши эканлигини сездим. У адабиёт ва санъат, халқимиз ўтмиши, бугунги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таҳлилини ҳар қандай мутахассисдан зиёда этиб шарҳлайди. Юртбошимизнинг катта минбардан туриб сўзлаган нутқлари орқали ҳар бир соҳани маромига етказиб талқин қилади. Хуллас, бу одамнинг билмагани кам.

Корхона ҳудудини айландик. Ҳаммаёқ озода, топ-тоза.

*Истиқлол фидойилари*

Бинолар пештоқида ватанпарварлик туйғуларини тараннум этган ҳикматли ёзувлар... Улкан заводда ҳаёт қайнайди. Ризқ манбаи оппоқ ун тегирмон элагидан тўкилади. Ишчиларнинг қош-кўзлари, киприкларига инган оқлик, гувиллаб тебранаётган заводнинг йўли ойдинлигига ишорадир. Гўёки мустақил Ватаннинг иқтисодий уммонида улкан бир кема ёруғ манзил сари шаҳд билан сузиб бораётгандай. Бу кемада озодлик йўлидан дадил бораётган халқнинг ризқи, туз-насибаси ортилган. Ризқи бутун элнинг имконларини кўз-кўз қилиб сузаётган кеманинг эса бир лаҳза бўлса-да, тўхтаб қолиши мумкин эмас. Шу боиски, унинг чамбарагини тутган қўллар толмаслиги, уни бошқараётган, ишонч билан олға ундаётган инсон фикри чақмоқдай ўткир бўлиши зарур, деган ўй хаёлимдан ўтди.

Корхонада иш мароми бузилмаган ҳолда цехлар ёппасига қайтадан таъмирланди. Аниқроғи, янги, замонавий жиҳозлар келтирилди. Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси лицензияси асосида Россия ва Украинада ишлаб чиқарилган донни қайта ишлаш ускунаси завод фаолиятини тубдан ўзгартиб юборди. Унинг иш қуввати икки баравар ошди. Маҳсулот сифати кескин ўзгарди.

Илгари эски технология ёрдамида бир кунда 500 тонна ун тайёрланар, унинг 5 фоизи олий, 30 фоизи биринчи, 43 фоизи эса иккинчи нав бўларди. Янги технология асосида эса бир кунда бемалол 700 тонна ун ишлаб чиқарилмоқда. Шундан 30 фоизи олий, 45 фоизи биринчи, 3 фоизи иккинчи нав. Фарқ еру осмончалик. Корхонани 25 ойда, яъни, икки йилдан кўпроқ муддатда жиҳозлаш мўлжалланган эди. Янги технология эса 5 ой ичида тўлиқ ўрнатилди. Республикамиздаги ҳиссадорлик жамияти шунча қисқа муддатда замонавий технологияга эга бўлди. Натижада вилоят аҳлини олий нав ун билан тўлиқ таъминлаш имкони яратилди.

Корхонада 1500 нафарга яқин ишчи хизмат қилади. Уларнинг унумли ишлаши, ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Кишилар иш ҳақини ўз вақтида, мунтазам олаяпти.

Корхонадан бир олам таассурот оғушида чиқдик. Баҳор шамоли олис Бототоғ томондан хуш ифорлар олиб эсади. Омон раис тегирмон чанги инган юзларини дастрўмоли билан арта туриб:

— Ишлар шунақа, биродар... — дейди. — Худо хоҳласа, тез кунларда мустақиллик байрами ҳам келади... Элимиз ўзини ўнглаяпти... курашлар, тўй-томошалар бошланади... Дарвоқе, Тошкентга қачон қайтасиз?

— Эртага. Нима эди?

— Эҳ, вақтингиз бўлганда Бойсунга борардик... Эртага зўр кўпкари бор. Нариёғи Туркманистон, бу ёғи Тожикистондан чавандозлар келади... Кўпкарига қизиқасизми?

Унинг юзи янаям ёришади. Йўл-йўлакай отлар ҳақида узоқ гапиради. Сўнгра ғаройиб завқланиш билан курашлардан сўзлай кетади...

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

# ЎЗ КАСБИНИНГ БИЛИМДОНИ

Кўпинча магнит тасмаларига ёки грампластинкаларга ёзилган ажиб оҳангларга бой куй-қўшиқларни мазза қилиб тинглаймизу, лекин бу наволарда овоз режиссёрининг ҳам алоҳида хизмати борлигини хаёлимизга келтирмаймиз. Бу соҳа кишиларининг меҳнати образли қилиб айтганда «саҳна ортида қолади». Анвар ака Тожиев ана шундай заҳматкашлардан бири.

Асли санъаткорлар хонадонида туғилиб, тарбия олган (у кишининг отаси халқимизнинг севимли актёрларидан — марҳум Жўра Тожиев, акаси эса машҳур санъаткорларимиздан — Тўлқин Тожиев) А. Тожиев ёшлигидан санъатнинг нозик сир-асрорларини тушуниб ўсди. Айниқса, мусиқа, куй-қўшиқлар унинг жону дили эди. Оиладаги муҳит сабаб Анвар ака санъат оламига жуда эрта кириб келди. 1949 йилдан бошлаб то 1955 йилларгача ўттиздан ортиқ филмларда болалар ролларига овоз берди, турли радиоасарларда қатнашди.

Лекин Анвар Тожиевнинг асосий меҳнат самаралари унинг овоз режиссёри сифатидаги фаолиятида яққол кўринади. 1961 йилдан Тошкент грамофонга ёзиш студиясида (1991 йилдан «Навозанда» деб номланган) овоз режиссёри бўлиб ишлади. Бу ердаги ўттиз йилдан ортиқ иш фаолияти давомида республикамизнинг энг кўзга кўринган овоз режиссёрларидан бирига айланди. Ишга чанқоқлик, мусиқани нозик ҳис этиш, юксак касб маҳорати унинг композиторлар ва ижрочилар орасида катта ҳурмат қозонишига сабаб бўлди. У ленталарга муҳрлаган Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Дадаали, Соатқулов, Икром Акбаров, Абдуҳошим Исмоилов ва бошқа кўплаб композиторлар асарлари юқори сифати билан ажралиб туради. «Шашмақом» (академик Ю. Ражабий билан биргаликда), 12 уйғур мақомлари ёзуви мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Айниқса, санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиев ижросида ёзилган «Дарду дилим» мусиқа тасмаси Уланбаторда ўтказилган XII Осиё мусиқашунослар симпозиумининг олий мукофотига сазовор бўлди. Изро Малаков ижросидаги «Гул фасли», Ғуломжон Ёқубов ижросидаги «Хаёл», Таваккал Қодиров ижросидаги «Баҳор» деб номланган граммпластинкалар ҳам турли кўрик-конкурсларнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. Шунингдек, консерватория талабалари ижросидаги «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ» мусиқалари ёзуви ҳам мутахассислар ва тингловчилар эътирофига сазовор бўлган.



Анвар Тожиев катта маҳорат билан граммпластинкаларга қўшиқларини кўчирган санъаткорлар номини санаб тугатиш қийин. Улар орасида халқимиз фахрига айланган катта ҳофизлардан тортиб, бугунги эстрада осмонининг юлдузи бўлган кичик авлод вакилларигача бор. Муҳими шундаки, бу одам билан ишлайдиган ҳар бир санъаткор унинг иш услубидан, ўз вазифасига муносабатидан ҳамиша мамнун бўлади. Жуда кўплар Анвар ака билан ишлашни орзу қиладилар. Айниқса, ёш ижрочилардан Замира Суюнова, Маъмуржон Тўхтасинов, Юлдуз Усмонова, Илҳом Иброҳимов, Ғиёс Бойтоев, Муҳриддин Холиқов кабиларнинг тасмаларга туширилган қўшиқлари тингловчилар томонидан яхши кутиб олинди. Шу кунларда истеъдодли хонанда Марям Сатторова ижросида «Қурбон ўлам», «Эшвой» ва «Онам» ашулалари устидаги ишлар ниҳоясига етказилди.

Анвар Тожиев бугун айни камолга етган, ижодий илҳоми жўш урган паллада. Ҳали яна кўплаб ажойиб хонанда — созандаларимиз ижоди у киши томонидан юксак савияда мангуликка муҳрланиши шубҳасиз.

**Г. УМАРОВА**

